

**КОНФЛИКТОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ****Зухра Умарова****Машхура Мухтор қизи Сайлиева**

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада конфликтология назарияси хусусида фикр юритилган ва методик тавсиялар тақдим этилган.

**Калит сўзлар:** Конфликтология, хусусият, ёндашув, билим, кўникма, фикр, тушунча.

**CHARACTERISTICS OF CONFLICTOLOGY THEORY****Zuhra Umarova****Mashkhura Mukhtor qizi Saylieva**

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**ABSTRACT**

The article reflects on the specifics of the theory of conflict management and provides methodological recommendations.

**Keywords:** Conflictology, specificity, approaches, knowledge, skills, meaning, concept.

**КИРИШ**

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида бошланғич таълимни замон талаблари асосида ривожлантириш ва унинг воситасида ўқувчиларни камолотли қилиб вояга етказиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасинин “Таълим тўғрисида”ги Янги Қонунида (2020 йил 23 сентябрь) бошланғич таълимнинг асосий вазифаси сифатида ўқувчиларнинг саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантириш белгилаб қўйилган. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларининг таълим ва тарбиясида педагогик конфликтларнинг салбий таъсири бўлиши фараз қилинади. Чунки педагогик конфликтлар умумконфликтология назариясининг таркибий қисми бўлиб, унда асосан таълим ва тарбия жараёнидаги зиддиятлар, низолар ва тўқнашувлар кўринишида намоён бўлувчи ижтимоий ҳодисадир. Бу ўринла эътиборингизни конфликтологиянинг умумий хусусиятлари таҳлилига тортамиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Конфликтология сўзи лотинча бўлиб, у тўқнашув, зиддият ва низо маъноларини англатади. Ўзбек илмий тафаккурининг ҳосиласи бўлган Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “конфликт” тушунчасига қуидагича таъриф берилган: 1) қарши томонлар, фикрлар, кучлар тўқнашуви; 2) адабиёт ва санъатда – бадиий асар моҳиятида ётган зиддият. Биз учун бу ўринда Конфликтологиянинг зиддият, тўқнашув ва низо маънолари муҳим ўрин тутади. Конфликтология мазмуни ва йўналиши нуқтаи назаридан майший, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва иқтисодий турлари мавжуд. Конфликтларнинг моҳияти ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ, шу сабабли у шахс ҳаётида муҳим ўрин тутади. Педагогика фанлари номзоди, доцент М.Ахмедова конфликт ҳодисасига қуидагича таъриф беради: “Конфликт-ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатларнинг очиқ тўқнашувидир”. Шуниси борки, баъзи даврларда конфликтлар воқелик, муҳит, шарт-шароит билан идеаллик ўргасида, яхшилик билан ёмонлик, руҳий эркинлик билан турмуш ташвишлари ўргасида зиддиятли ҳодиса сифатида хукмронлик қилган.

Бизнинг ёндошувимизга кўра, индивидуал ахлоқ билан жамоа онги ўргасида конфликтлар яққол намоён бўлади. Шу сабабли конфликтологияга қуидаги хусусиятлар ҳосдир:

**1. Конфликтларнинг турлари.** Конфликтологиянинг йирик икки кўриниши-ижтимоий ва иқтисодий турлари мавжуд. Ижтимоий конфликт турлари шахс ахлоқи, онги ва мақсад-муддаоларига таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Иқтисодий конфликт турлар эса шахснинг яратувчилик, ижодкорлик ва жамиятнинг фаровонлик негизларига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар мажмуидир. Бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан ижтимоий конфликт турлари муҳим ўрин тутади ва уларнинг турли кўринишлари, шакллари ҳамда омиллари 7-11 ёшли бошланғич синф ўқувчиларининг саводхонлик, билимдонлик ва кўникувчанлик малакаларига салбий таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳисобланади. Шу жиҳатдан биз конфликтларнинг ижтимоий характердаги турларига тадқиқотимизда асосий эътиборни қаратамиз.

**2. Конфликтларнинг кўринишлари.** Конфликтларнинг икки муҳим-ички ва ташқи кўриниши мавжуд. Ички конфликтлар муайян муҳитда яқин кишилар ўргасида юзага келади. Ташқи конфликтлар эса ташқи кучлар таъсирида юзага келиб, шахс ҳаётига дахл қиласади.

Ички конфликтлар кўп ҳолларда таълим ва тарбия жараёнида таълим иштирокчилари ўргасида юзага келади. Мисол учун, ўқувчилар ўргасидаги ўзаро

зиддиятлар, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги низолар, ўқувчи ва мактаб жамоаси орасидаги келишмовчиликлар ички конфликтларнинг муҳим кўринишидир.

Ташқи конфликтлар онгли равишда баъзи шахслар томонидан пайдо қилинади. Мисол учун, онги ривожланишда бўлган ўкувчиларни баъзи дин вакиллари томонидан динга мажбуурлаши, катта ёшлиларнинг ўкувчи ва ўқитувчи ўртасига нифоқ солиши, носоғлом оиласалардаги муҳитнинг ўкувчига салбий таъсир кўрсатиши кабилар ташқи конфликтларнинг яққол кўринишидир.

**3. Конфликтларнинг хусусиятлари.** Бизнинг таҳлилларимиз натижасига кўра, конфликтларнинг икки муҳим- ўткиния ва доимий хусусиятлари мавжуд. Унга биноан ўткинчи хусусиятга конфликтлар муддатли ва маконда рўй беради. Мисол учун, таълим муассасаларида ўкувчилар ўртасида рўй берадиган конфликтлар ўткинчи хусусиятга эгадир. Доимий хусусиятга эга конфликтлар муддатсиз бўлиб давомий ва изчил характерга эга бўлади. Мисол учун, катта ёшли шахслар, тадбиркорлар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги конфликтлар доимий хусусиятга эга бўлади.

Педагогик нуқтаи назардан ўткинчи хусусиятга эга конфликтлар характерли бўлиб, уларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Доимий хусусиятга эга конфликтлар эса Социология ва Политология фанлари воситасида уларнинг таъсир кучи сусайтирилади.

**4. Конфликтларнинг кўлами.** Конфликтология назариясида конфликтларнинг кўлами белгиланган эмас. Бизнинг кузатишимиизга кўра, конфликтларнинг кичик ва йирик кўламлари мавжуд. Уларнинг кичик кўлами шахслар ўртасида юзага келади, йирик кўлами эса кўп ҳолларда муайян давлатлар ўртасида пайдо бўлади. Мазкур ёндашув конфликтларнинг таъсир кучини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш имконини беради. Шу сабабли муайян конфликтларнинг кўламини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## НАТИЖА

Бизнинг мазкур ёндашувимиз Конфликтология назариясига мосдир. Политолог олимлар Р.Жумаев, Б.Ўтанов конфликтология масаласида индивидуал ёндашувларнинг муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтишади. Хорижлик олимлар С.Баныкина, В Грачева конфликтларни ўрганиш ва уларни мактаб шароитида бошқариш мумкинлигини таъкидлаб кўрсатишади. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида конфликтларни педагогик нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш ёндашувлари баён қилинган.

## МУҲОКАМА

Ўзбек педагогик олими М.Ахмедованинг конфликтология муаммосига доир концепсияси қуидагилардан иборат:

- конфликтларнинг юзага келиш омиллари ва уларнинг хусусиятлари;
- педагогик конфликтологиянинг илмий-назарий асослари;
- педагогик конфликтларнинг турлари;
- педагогик конфликтларни олдини олишда муолоқот маданияти;
- педагогик конфликтли вазиятда педагогик-психологик хизмат.

Эътибор берилса, М.Ахмедованинг конфликтологияга доир ёндашувларида педагогик хусусиятлар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли мазкур концепсия бизнинг тадқиқотимизнинг негизи сифатида қабул қилинди.

## ХУЛОСА

Конфликтология назариясининг хусусиятларини ўрганишда мазкур тушунчанинг маъно-мазмуни, унинг турлари, хусусиятлари, кўлами, макон ва замондаги аҳамияти масалаларига эътибор бериш лозим. Чунки конфликтология ҳодисаси шахс ва жамият ҳаётида, ижтимоий жараёнда ҳамда педагогик илмий-тадқиқотчиликда муҳим ўрин тутади. Мазкур ҳодисанинг педагогик конфликтология турини тадқиқ этиш таълим иштирокчиларининг манфаатларини руёбга чиқариш ишига хизмат қиласди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //”Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабр сони.
2. Ахмедова М. Педагогик конфликтология. –Т., 2017
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. –Т., 2003.
4. Жумаев Р., Ўтанов Б. Конфликтология асослари. –Т., 2015
5. Баныкина С. Конфликт в современной школе: изучение и управление.-М., 2006.
6. Грачева В. Введение в педагогическую конфликтологию. –М., 2004
7. Mamadaliyev K.R, Jabborova. O.M, Umarova Z.A., Abdullayeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020,
8. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.

9. Quzmanova G. B, Beketov.N. A Use Of Historical Materials In Teaching Mathematics In Continuous Education. The american journal of social science and education innovations, Volume 2 Issue 9, 2020, ISSN 2689-100X, 2(09), 531-537.
10. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
11. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
12. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimization of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
13. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного искусства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.